*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 55 (9801). • 1990 йил 20 март • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

# КАТТА ГУРУНГ

ЎЗБЕКИСТОН агросаноат комплекси ходимларининг анъанавий республика қурултойи қатнашчилари республика халқ хўжалигининг деҳқончилик тармоқларини ривожлантириш долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Қурултой 19 март куни Тошкентда бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси С. Ержонов, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз сабзавоткорлик бригадасининг бошлиғи А. Бердиев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов, Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Л. Маслова, Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Шербўтаев, Андижон область ижроия комитетининг раиси Б. Болтабоев, Бухоро областидаги «Нарпай» совхозининг директори Х. Зайниев, Дўстлик район агросаноат иттифоқининг раиси Х. Холбеков, Хоразм область Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг механизатори А. Сотимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Қўқон ўрмон хўжалигининг директори М. Хўжаев, Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозининг чўпони Р. Тошбоев, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Карлов, Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири А. Бердиев қатнашдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).



Суратда: анъанавий қурултойда.

А. ГОРОКРИК ва Р. НУРИДДИНОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

## *КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 16 мартда сўзлаган нутқи*

Шу кунларда Пленумда партия турмуши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан ўтган мунозарани қисқача умумлаштирмоқчиман. Мунозаранинг боришини, бу ерда айтилган танқидий мулоҳазаларни умумлаштириб, қуйидаги жиҳатларни уқтириб ўтмоқчиман.

Биринчидан. КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури хусусида. Бу ҳужжат эълон қилинган, у партия ва жамиятда муҳокама қилинмоқда. Ҳаракат дастури хусусида бу ерда айтилган гаплар ва унинг айрим қоидалари заифлиги кўрсатиб ўтилган нутқларини съездолди мунозарасининг бир қисми деб, партия съездигача Ҳаракат дастури лойиҳасини шу пайтгача айтилган ва бундан кейин айтиладиган фикрларни ҳам эътиборга олиб, пишиқ-пухта ишлаб чиқишга ва уни съезд муҳокамасига тақдим этишга қўшилган ҳисса, деб ҳисоблайман. Ушбу мулоҳазаларни, шунингдек съезд арафасида ўтказиладиган бутун мунозара якунларини эътиборга олиб, биз, ниҳоят, ҳақиқий аҳволга мос бўлиб тушадиган ва партиянинг фаолиятига дадил истиқбол бахш этадиган ва партиянинг дастури бўлиб қоладиган ҳужжатга эга бўламиз, деб ўйлайман. КПСС ўзининг сиёсий пешқадам ролидан воз кечмаслигини ва партия ҳужжатлари орқали ўзимиз кўриб турган тараққиёт истиқболига мўлжалланган фаолият дастурини, ўз фикримизни баён этишга интилишимизни ҳисобга олганда, жамият катта аҳамиятга молик ҳужжатга эга бўлади.

Мен мунозаранинг ҳозирги қисми хусусида шундай деган бўлур эдим. Бу — биринчиси.

Иккинчидан. Устав хусусида. Менинг назаримда умуман ҳозир Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилинаётган Уставга ҳеч ким шубҳа билдиргани йўқ, у ўз мазмуни ва шакли жиҳатидан рад этилиши лозим, деган гапни ҳеч ким айтгани йўқ.

Унда яхши асос бор. Ҳозиргача режалаштириб келинган, партия ташкилотларида айтилган кўп таклифлар лойиҳага сингдирилганини кўп кишилар таъкидлаб ўтишди. Бу ердаги ўртоқлар: уни ким ёзди, муаллифи қаерда? — деб сўрадилар. Эҳтимол, қайта қуришдан аввалги сийқа фикрлар яна ишга тушгандир: яна, уни кимдир ёзгандек туюлаётгандир ва ҳоказо. Аммо мен докладда Марказий Комитет Уставнинг қанча мукобил нусхасини олганини маълум қилган эдим-ку. Шу нусхаларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг комиссияларида, Сиёсий бюрода муҳокама қилинди. Бундан ташқари партия ташкилотларининг, коммунистларнинг мулоҳазалари, таклифлари битилган кўпгина хатлар олинди. Шу сабабли, уни хонаки тарзда тайёрланган қандайдир идоравий ҳужжат деган мулоҳазаларга қўшилиб бўлмайди, десам ўртоқлар фикримга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Шунга қарамай, гарчи бу ерда асос мавжуд бўлса ҳам, ёзма тарзда тушган мулоҳазалар ва Пленумда Марказий Комитет аъзоларининг, биз бу ерга таклиф этган партия комитетлари секретарларининг, айниқса шаҳар ва район комитетлари секретарларининг нутқларида айтилган гаплар мана шу асосни жиддий равишда бойитиш кераклигини кўрсатиб турибди.

Мен нутқларни эшитиб ўтириб, баъзи фикрларни ёзиб олдим. Уларда, назаримда, кўзда тутиш керак бўлган бир қанча жиҳатлар айниқса кучли янгради. Мана шулар ҳақида ўйлаб кўриш керак, чамаси, бугун биз Марказий Комитет Пленумида лойиҳа устидаги ишни тўла-тўкис тугалламаймиз. Аммо бундан кейинги иш ҳақида, лойиҳа устида қандай ишлашимиз кераклиги, бу нарса Таҳрир комиссияси ёки Сиёсий бюро ўйлаб чиқарган нарса бўлмаслиги учун, акс эттириш лозим бўлган принципиал фикрларни қандай қилиб келишиб олиш тўғрисида бир тўхтамга келишимиз даркор.

Устав лойиҳаси хусусидаги мунозарани якунлаб, ҳар ҳолда биз қайси тўхтамга келганлигимизни алоҳида кўрсатиб ўтишни, мен эътибор берган мулоҳазаларни ва назаримда принципиал аҳамиятга эга бўлган мулоҳазаларни жамлашни истайман.

Аввало, ўртоқлар муқаддимани қайтадан ишлаб, унда партия ўз олдига қўяётган ва жамиятга тақдим этаётган, халқни даъват қилаётган пировард мақсадларни аниқ белгилаш кераклигини айтдилар.

Нотиқлар ғоявий негизларни аниқроқ белгилаш лозим деган фикр ҳам билдирдилар, партия мана шу негизларга таяниб ишлайдиган бўлади ва шу негизларни ҳимоя қилади. Бундай қилиш жуда муҳим, чунки гап коммунистлар кўзлаётган мақсадлар ҳақида боряпти, улар бутун жамиятга ҳам шу мақсадларни таклиф этмоқдалар.

Сўнгра, ўртоқлар партияни демократиялаш ғояларни Уставнинг ҳамма бўлимларига сингдириб юборилсин, партиянинг олий поғоналари тўғрисидаги қоидаларда шу фикр кўпроқ таъкидлансин, иттифоқдош республикалар коммунистик партияларининг ролини ошириш тўғрисидаги қоидаларда ифодалаб берилсин, деган ва шу каби фикрларни айтишди.

Бироқ энг муҳими — Уставда Лениннинг партиядаги демократиялаш нималарда намоён бўлиши лозимлиги тўғрисидаги, — чунончи партиялилар оммасининг ҳокимияти (Устав орқали) унинг нормалари орқали, қарор топиши ҳақидаги фикри аниқроқ ёзилиши ва рўёбга чиқарилиши керак. Агар эътибор берган бўлсангиз, биз шундай қилишга интилдик. Коммунистларнинг таъсири шундай бўлиши керакки, улар ўзлари делегатларни сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилсинлар, бу делегатлар барча партиявий ишларга оид қарорларни ишлаб чиқадиган бўлсинлар. Лойиҳага шу нарса ёзиб қўйилган. Биз партиядаги биринчи шахсларни (барча поғоналардаги шахсларни) йиғилишларда, конференцияларда, съездларда сайлаш тўғрисидаги ғояни коммунистлардан қабул қилиб олдик. Тўғри, баъзи кишилар бу нарса мазкур шахсларни назорат остидан чиқариб юборадиган вазиятни вужудга келтирмайдими, деб шубҳа билдирдилар. Шундай шубҳа йўқ эмас, бор. Бироқ ҳар ҳолда, коммунистлар секретарлар тўғрисидаги масалани ўз йиғилишларида ёки улар округлар бўйича ёҳуд бошланғич ташкилотларда сайлаган делегатлар орқали ўзлари ҳал этадиган бўлишларини талаб қилмоқдалар. Улар у ёки бу муддатда ўзларига бошчилик қиладиган кишиларни ўзлари белгилашни хоҳлайдилар. Эҳтимол, биз( агар партиялилар оммасининг ҳокимияти ғоясига амал қиладиган бўлсак), бу масалани, ҳеч бўлмаганда, муҳокама учун қолдиришимиз керак. Баъзи кишилар бу масалани шубҳа остига қўяётган бўлишларига қарамай, шундай қилиш лозим.

Ниҳоят, мен ўртоқлар, шу жумладан демократия ва интизом, демократик централизм принципларини янгича талқин этиш ғоясини қўллаб-қувватлаётган ўртоқлар ҳам ҳар ҳолда Устав лойиҳасидан «демократик централизм» тушунчаси чиқариб юборилишига рози эмасликларини сезиб турибман.

**Овозлар.** (Залда жонланиш).

**М. С. Горбачев.** Бир тўхтамга келиш керак. Янги Уставга негиз қилиб олинган ёндашувлар умуман маъқулланиши билан бирга Марказий Комитет Пленумида Уставда шу иборани сақлаб қолиш истаги борлигини кўриб турибман.

**Овозлар.** Ҳа.

**М. С. Горбачев.** Яна бир неча масалаларни кўздан кечириб чиқмоқчиман. Биз Сиёсий бюрода партияда параллел структуралар вужудга келтириш имкониятини Уставга киритиш керакми ёки йўқми эканлиги хусусида мунозара қилган эдик. Мен, бу нарса партия структурасини бузишга олиб бормаслиги керак, деб ҳисобладим ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайман. Бироқ партиявий ишнинг жуда хилма-хил шакллари мавжуд бўлиши мумкин, албатта. Биз ёзиб қўйган қоида эса амалда жуда кўп йиллардан буён ишлатиб келинмоқда. Мен Ставрополь ўлка партия ташкилотида ишлаган пайтимдаёқ секретарларнинг кенгашлари, партия ташкилотларининг истиқомат жойларида партия бирлашмалари ва шу кабилар бор эди. Шу сабабли, эҳтимол, аниқроқ таърифлаш керакдир: гап структуралар ҳақида эмас, балки ўртоқ Ружицкий айтганидек, иш шакллари ҳақида боряпти. Бу мавзуни бутунлай чиқариб ташламаслик керак, деб ўйлайман. Чунки бу партия ташкилотларига партия фаолиятини фаоллаштириш учун жуда хилма-хил ёндашувлардан фойдаланиш имконини беради. Хуллас, мен параллел структураларга йўл қўйилишига қаршиман, аммо иш шаклларининг хилма-хиллигини таъкидлаш тарафдориман.

Энди бу ерда бошланғич партия ташкилоти Устав лойиҳасида етарлича «таърифлаб» берилмаганлиги таъкидланганлигини айтиб ўтмоқчиман. Партия фаоллари билан, партия комитетларининг секретарлари билан учрашувларда ҳам шу истак билдирилган эди. Бугун ўртоқ Сивец ҳам ўзининг яхши нутқида шу ҳақда гапирди.

Биздаги Устав лойиҳасининг бир нусхасида шу ҳақда батафсил гапирилган эди. Марказий Комитетга келиб кетган кўпгина секретарлар. «Сизлар Уставда яна бошланғич ташкилотга ҳамма нарсани батафсил белгилаб беряпсизлар» деган гапни айтишди. Модомики шундай қилинмаган экан, ҳаракат қилавериш имконияти берилади. Фақат принципиал сиёсий ва мафкуравий йўл-йўриқлар керак, қолган масалаларда партия ташкилоти мустақил ишлайверсин.

Шу сабабли келишиб олайлик. Биз бошланғич ташкилотнинг, коммунистнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини муфассал ёзиб қўйишимиз мумкин, албатта. Аммо бу нарса улар ҳар куни нима қилиши кераклиги хусусидаги йўл-йўриққа ўхшаб қолади, ўртоқлар. Бу эса ўзларингиз қарши чиқаётган нарса бўлади. Ҳаддан ортиқ ишларга йўл қўймаслик керак, батафсил йўл-йўриқларни ёзиб бериш йўлидан бормаслик лозим, деб ўйлайман. Бу -- энг ёмон лойиҳанинг нусхаси бўлади, бироқ, эҳтимол, Уставни йўл-йўриққа айлантириб ҳам юбормаслик керак.

Назаримда, биз лойиҳага КПССдан чиқиш ҳуқуқи ҳақида ёзиб қўйилган қоида қониқарли чиқмаган.

**Овозлар.** Ҳа.

**М. С. Горбачев.** Бу — ихтиёрий ташкилот, у партиядан чиқиш ҳам ихтиёрий бўлишини назарда тутади. Бу— мантиқий гап. Коммунистлар КПССдан чиқишнинг ҳар бир фактига: «Кетсанг кетавер!» деган тарзда қарай олмасликлари эса — бошқа гап. Бундай фактлар бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиниши керак. Буни ҳар сафар партиядан чиқариш деб таърифлаш керак, деб ўйламайман, аммо бу фақат қораланиши керак ва партия ташкилоти бундан хулоса чиқариши ва ўз қарорини қабул қилиши лозим. Агар рози бўлсангиз, партия «истаган киши кираверадиган ҳовли» бўлиб кўринмайдиган тарзда ёзиб қўйиш керак.

Ўртоқ Чурилов кўп ҳолатларни жуда яхши пайқаб олган: барча қоидаларда, ҳеч бўлмаганда, Устав талабларини амалга ошириш механизми кўрсатилиши учун бир-икки жумлани қўшиш лозим, деб ўйлайман. Бир ҳолда — ҳисобот, иккинчисида — сайлаб қўйиш, учинчисида — назорат остида бўлиш ва шу тарзда ёзилган. Мана шу маънода Уставни қўшимча маънода ишлаб чиқиш керак.

Энди Уставнинг ўзи ҳақида бўлмаса ҳам, аммо у билан боғлиқ баъзи гаплар бор. XXVIII съездга тайёргарлик комиссияси ҳақида. Бизда Марказий Комитетнинг комиссияси бор, бироқ эҳтимол шундай қилармиз — КПСС Марказий Комитети ҳузурида иттифоқдош республикалар Компартияси Марказий Комитетларининг, область, ўлка, округ, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич ташкилотлар секретарларини ва ўз фикри бўлган оддий фаол коммунистларни ўз ичига оладиган комиссия тузармиз. Назаримда, бу — маслаҳат берадиган, демократик, ваколатли орган бўлур эди, партия ташкилотларидан келаётган барча хатлар ва таклифлар шу комиссия орқали ўтган бўлур эди. Шу тариқа коммунистлар ҳамма хат ва таклифлар аппаратга бориб тушди ва қаердадир йўқолиб кетди, деган шубҳага бормайдиган бўладилар. Сизларнинг топшириғингиз асосида Сиёсий бюро партия ташкилотларининг таклифларини эътиборга олиб, шундай комиссияни тузиши мумкин бўлур эди.

Россия хусусида. Докладда айтилган фикрларни амалга ошириш, Россия партия ташкилотларида вужудга келган жараёнларни рўёбга чиқариш, тайёргарлик ишларига йўл очиш керак. Биз бундан бўйин товлашга ҳаққимиз йўқ. Марказий Комитет бу истакни эътиборга олиб, куч-ғайратларни бирлаштириши керак. Биз коммунистларнинг мана шундай жуда катта отрядига ҳурматсизлик қила олмаймиз. Шу сабабли мен буни алоҳида масала қилиб қўйиш ва қисқача принципиал қарор қабул қилишни таклиф этиш тарафдориман.

Ниҳоят, биз ҳисобот ва сайловлар хусусида ҳужжат қабул қилишимиз лозим. Ҳисобот ва сайловларни қачон ўтказиш хусусида ҳар хил фикрлар айтилди, ярмиси ундай, ярмиси бундай деди... Ёки барибир съезддан аввал ўтказсакмикан?

**Овозлар.** Съездан аввал.

**М. С. Горбачев.** Мана мен танаффусдан қайтиб келиб, папкани очсам, телеграммалар турибди. Кўпчилик телеграммаларда буни съезддан кейин қилиш керак, деган фикр айтилган. Эҳтимол, «сулаймончасича» ҳал қилармиз, маҳаллий партия ташкилотларига ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини берармиз? Охир — оқибатда қандай қилиш кераклигини улар яхшироқ биладилар. Буни Пленумда ҳал қилиш лозим.

Ниҳоят, учинчи масала. Табиийки, февраль Пленумида бўлганидек, бу Пленумда ҳам жамият ва партиянинг ўз ривожланиши ҳозирги тарихий босқичида биз қилаётган ишлардан кўпчилик қаноатланмаётганлиги сезилмоқда.

Шахсан мен бундан жуда ташвишланяпман, буни жиддий идрок этиб, ўз айбим деб ҳисоблаяпман. Бутун жабҳа бўйлаб ҳаракат қилиш кераклигини айтган ўртоқ Ниёзовни ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Чамамда, Минск соат заводидан ўртоқ Чикин: биз «окоплардан чиқишга» тайёрмиз ва ҳатто чиқиб ҳам олдик, аммо ҳужум қилиш учун қаёққа боришни билмаяпмиз, деб айтди. Тўғри фикр. Демак, биз, Сиёсий бюро, Марказий Комитет секретариати, бутун Марказий Комитет бу ерда танқид қилинган ишлар учун масъулиятнинг анчагина қисмини ўз гарданимизга олишимиз керак.

Бир нарсани айтиб қўяй: вақтни бекор ўтказмаслик керак. Ҳозир вақтни йиллаб, ҳатто ойлаб эмас, балки ҳафталаб ҳисоблашга тўғри келяпти. Шу боисдан партияни жипслаштириш ва съездимизни яхши муҳитда ўтказиш учун енг шимариб ишлаш керак, бу съезд партиянинг ролини эътиборга олганда, унинг тақдири учун ва қайта қуриш, бутун жамият тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу ерда сўзга чиқиб, танқидий мулоҳазаларни айтган ўртоқларни ишонтириб айтмоқчиман: гарчи уларнинг гапларини эшитиш оғир бўлса ҳам, биз бу фикрларни қабул қиламиз. Қабул қилиш керак.

Бу ерда айтилган танқидий мулоҳазаларнинг анчагина қисми мунозарани, нуқтаи назарлар қиёсланишини акс эттиради, албатта. Ҳаммасини ҳам тўла-тўкис қабул этиб бўлмайди. Баъзи бировлар ҳозирги даврни ёктиришмаяпти, партия хусусида ички ва ташқи жараёнларнинг ҳозирги ривожланиши нуқтаи назаридан ўйламаяптилар. Ақидаларга одатланганлик, онгнинг қотиб қолганлиги сезилмоқда. Биз ўзимиздаги мана шу нуқсонларни бартараф қилишимиз, олға боришимиз, биз яшаб турган даврда ҳам, биз жамиятни даъват этаётган мақсадларни ҳам ленинча принциплар асосида, диалектик тарзда идрок этиш лозим.

Бу ердаги айрим ҳолатлар съездолди мунозарасини акс эттиради. XXVIII съезднинг ўзида ҳам бу ҳақда гап бўлади, деб ўйлайман. Шундай бўлиши табиий. Ўйлайманки, биз ҳозир принципиал ғоявий позицияларда, қайта қуриш сиёсати негизида туриб жипслашишимиз керак. Агар бошланғич партия ташкилотидаги, шаҳар, область ташкилотидаги, умуман партиядаги вазият шуни талаб қилаётган бўлса, демак ажралиш жараёни давом этиши керак. Чунки биз съездга таклиф қилинган Ҳаракат дастури асосида муайян позицияларда туриб, Уставга негиз қилиб олган принциплар асосида олға боряпмиз.

Мунозара якунлари хусусида мана шуларни айтмоқчи эдим.

*СССР Олий Советининг учинчи сессиясида*

# АВВАЛО МУҲИМ ИШЛАР ҲАҚИДА

**ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР**

Тартибни, аввало ўзимиздан бошлашимиз керак. СССР Олий Совети учинчи сессиясининг 19 март куни бўлиб ўтган палаталарнинг қўшма мажлиси муқаддимасини шундай таърифлаш мумкин. Мажлисга раислик қилувчи А. И. Лукьянов рўйхатга олиш якунларига баҳо берар экан, ҳаққоний тарзда палаталарнинг идораларидан мажлисга келмаган депутатларни қаттиқ ҳисобга олишни ҳамда бунинг сабабларини аниқлашни талаб қилди. Мажлисга етарли даражада депутатлар тўпланганлиги сабабли у очиқ деб эълон қилинади.

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съезди натижаларини ҳисобга олиб, сессия ишининг тартиби муҳокама қилинди. Палаталарнинг раислари сессия иш тартибининг йўналишларини тақдим этишди.

Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга афзаллик берилишини зарур, деб ҳисоблади. У аввало қуйидаги учта масала: биринчиси — янги иттифоқ шартномаси ва СССР таркибидан республикаларнинг чиқиш омиллари тўғрисидаги, иккинчиси — корхоналар ва аҳолига солиқ солиш тўғрисидаги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари ҳамда социалистик корхона тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини, мамлакатда хавфсизликни ва тартибни таъминлашга тааллуқли учинчи группа Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш лозимлигини айтди.

Бундан ташқари Чернобиль масаласини кўриб чиқиш муддатини яқинлаштириш таклиф қилинди.

Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов сўзга чиққан нотиқнинг таклифини қўллаб-қувватлади ва палатада айтиб ўтилган баъзи Қонун лойиҳаларига асос бўлиши мумкин бўлган дастлабки мулоҳазалар борлигини маълум қилди. У яқин вақт ичида Миллатлар Советида муҳокама қилинадиган бир неча масалалар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Мажлис чоғида сессия мажлисларини телевидение орқали кўрсатиш масаласи баҳсларга сабаб бўлди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 16 мартдаги қарори*

# КПСС XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленумининг қарорлари ўзгартирилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVIII съезди 1990 йил 2 июлда Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Съезд муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Қайта қуришнинг бориши ва партиянинг вазифалари тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ А. А Низовцева.

3) КПССнинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури тўғрисида.

4) КПССнинг Устави ҳақида.

5) КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ҳақида.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Ҳаракат дастури ва Устави билан боғлиқ масалалар биринчи масала юзасидан қилинадиган докладда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. КПСС XXVIII съездига вакиллик нормаси партиянинг 4 минг аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш кенг демократик асосда, мусобақалашув ва муқобиллик вазиятида, барча коммунистларнинг бевосита иштирокида ўтказилиши зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси томонидан партия ташкилотларининг, коммунистлар ва партиясизларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган таклифлар қабул этилсин (илова қилинади).

Қабул этилган тартибга мувофиқ, сайланган делегатларнинг рўйхатларини область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларида — область партия конференциялари, Москва шаҳрида — КПСС район конференциялари расмийлаштириб, КПСС XXVIII съездига тақдим этадилар.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни тегишли қўшилмалар, қўшин турлари ва Қуролли Кучлар турлари партия конференцияларида сайлайдилар.

Чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни Москва шаҳрида ўтказиладиган ўз партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тартиби ва муддатларини иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, РСФСРдаги КПСС ўлка, область комитетлари белгилайдилар.

Шаҳар (район партия структурасига эга бўлган шаҳарларда), округ, область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар сайлаш тартибини тегишли партия комитетларининг пленумлари белгилайдилар. Конференция ва съездларга делегатлар сайлаш ва партия органларини тузиш давомида ушбу қарорда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун белгиланган ёндашувлардан ва КПСС янги Устави лойиҳасининг қоидаларидан фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Конференция ва съездларга делегатлар сайловини, шунингдек раҳбар партия органларига сайловни демократиялаш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олган, аммо йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитети аъзолари ёки сайлаб қўйилган бошқа орган аъзолари овозларининг ярмидан кўпини олган номзодлар сайланган ҳисобланади;

тегишли партия ташкилоти ёки Компартиянинг олий органи бўлмиш партия йиғилиши, конференция, съезд партия комитетининг биринчи секретари (партия комитетининг секретари)ни ёки сайлаб қўйиладиган бошқа шахсни йиғилиш, конференция ёки съезднинг бутун состави билан сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда сайлаб қўйиладиган муайян шахсни келгусида алмаштириш тартиби белгиланади.

КПССнинг янги Устави қабул этилгунга қадар шу қоидаларга амал қилинсин.

7. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларида, съездларида партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи, партиявий ишни тубдан яхшилаш тадбирлари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилсин, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари муҳокама қилинсин. Ҳисобот ва сайловлар, партия съездига бутун тайёргарлик ишлари коммунистларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини аниқлаш имконини бериши, улар ҳар қандай фикрга, озчиликнинг ўз позициясини билдириш ҳуқуқига ҳурмат билан қараши руҳида ўтказилиши муҳимдир. Йиғилишлар, конференциялар ва съездларнинг амалий тусда ўтишини, партиянинг жамиятдаги роли ва фаолиятининг, партия ички турмушини демократиялашнинг туб масалаларига, партиялилар оммаси ҳокимиятини қарор топтиришга оид таклифлар коллектив бўлиб ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик ишлари коммунистларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга, ҳар бир партия ташкилотининг иш қобилиятини оширишга, КПССнинг жамиятдаги пешқадамлик ролини мустаҳкамлашга, қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаларини ҳал этишда партиянинг фаолиятини кучайтиришга кўмаклашмоғи лозим.

Қайта қуриш ишига садоқатли, партия ташкилотларининг мададига сазовор бўлган, партиявий-сиёсий усулларни эгаллаб олган коммунистлар орасидан янги, навқирон кучларни партиявий ишга жалб қилишга, КПССни янгилашга партия XXVIII съезди қарорлари асосида таъсирчан тус бера оладиган кишиларни партиядаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

8. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига биноан, бўлғуси партия съездларида ва конференцияларида ягона назорат-тафтиш комиссиялари сайланиши мумкин. Назорат-тафтиш комиссиялари КПСС XXVIII съездигача ўз амалий ишида КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган муваққат низомга амал қилишлари мумкин («Известия ЦК КПСС», 1-сон, 1989 йил).

9. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига номзодларни, жойлардаги партия фаолларини кенг жалб қилиб, ошкора ва рўй-рост ўтказиш топширилсин. Съездга сайланган делегатлар орасидан КПСС съездига асосий ҳужжатлар ва қарорларни ишлаб чиқадиган комиссиялар (группалар) тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1990 ЙИЛ 16 МАРТДАГИ ҚАРОРИ

## Россия партия конференцияси тўғрисида

1. КПССнинг XXVIII съездига қадар Россия партия конференциясини чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Россия Федерациясининг партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатлар конференциянинг делегатлари бўладилар, деб белгилансин.

3. Конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш КПСС Марказий Комитетининг Россия Бюросига топширилсин. Шу мақсадда тегишли партия комитетларининг пленумларида сайланган ўлка, область, округ, Москва шаҳар партия ташкилотларининг вакиллари орасидан (ҳар бир ташкилотдан бир киши) тайёргарлик комитети тузилсин.

*Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорларининг қурултойи*

# ДЕҲҚОННИ ЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ СОҲИБИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

**(Давоми. Боши иккинчи бетда).**

Бу йил, айниқса Қора дарё, Зарафшон ҳавзаларида, Амударё этакларида сув танқислиги кутилмоқда. Юзага келган аҳволни ҳисобга олиб, СССР Министрлар Совети республикага ёрдам тариқасида сув танқислиги оқибатларини тугатиш мақсадида қўшимча моддий-техника ресурслари ажратди. Энди сув хўжалиги министрлигига ва қурувчиларимиз енгни шимариб ишлашга тўғри келади.

Кўпгина колхоз ва совхозлар тажрибасига қараганда республика қишлоқ хўжалиги юқори самарали бўлиши керак, шундай бўлади ҳам. Бу ҳол айни вақтда республика иқтисодиётини анча мустаҳкамлайди. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали бирмунча камчиликлар мавжуд.

Кўпгина хўжаликларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда силжиш йўқ. Суғориладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига ялпи маҳсулот етиштириш даражаси бўйича областлар ўртасидаги тафовут 2—3 бараварга етади. Масалан, Сирдарё области колхозлари ва совхозлари ҳар 100 гектар ҳисобига 117 минг сўмлик маҳсулот етиштирса, Сурхондарё областида эса 305 минг сўмлик етиштиради. Хўжаликлар бўйича тафовут бундан ҳам катта.

Натижада 1989 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 1988 йилдагига нисбатан республикада 4,5 фоиз қисқариб кетди, хўжаликларнинг қарийб ярмининг самарадорлиги 15 фоиздан ошмаяпти, совхозларнинг олтидан бир қисми зарар кўрмоқда. Бунга сабаблар жуда кўп. Лекин қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти пахтага ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархларини ошириш билан ҳам боғлиқдир. Бу ҳол меҳнатга тўланадиган ҳақни оширишни, мелиорация ишларига харажатларнинг ўрнини қоплашни ва қишлоқнинг ўткир социал муаммоларини ечишни таъминлайди. Бу масалалар сўнгги вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг диққат марказида турибди. Бу масалалар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети олдига қўйилган. Бу ишда халқ депутатлари аграрчилар катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар СССР халқ депутатлари II Съездида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан учрашиб, республика олдида турган долзарб масалаларни кўндаланг қилиб қўйдилар.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органларида пилла, тамаки, каноп, парранда, сут мол гўшти харид нархларини ошириш хусусидаги республика таклифини асослаб бера олдик. Ҳозир пахтанинг нархини келишиб олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давом этмоқда. Пахтанинг харид нархини 1,8 баравар ошириш тўғрисидаги таклиф ҳам қабул қилинди. Бироқ пахтанинг харид нархи бизни ҳали қониқтирмайди. Пахта толасига давлат буюртмаси даражасини 70 фоизгача қисқартириш, республикадан кунжара олиб чиқиб кетилишини, пахта шелухасидан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланишни камайтириш, пландан ташқари бутун маҳсулотни мустақил равишда чет мамлакатларга сотиш ва бошқа таклифлар қўйилмоқда. Биз бу масалаларни қатъият билан ва узил-кесил СССР Министрлар Совети олдига қўйдик ва унинг ижобий ҳал бўлишига умидвормиз, тинимсиз шу масалалар устида иш олиб боряпмиз.

Шу билан бир пайтда республика томонидан мамлакатнинг бошқа минтақаларида хом ашёни қайта ишлашдан олинадиган оборот солиғининг бир қисмини жумҳурият бюджетига ўтказиш ҳақидаги таклифни ҳам қўйдик. Масаланинг биз қўйган тарзда ҳал қилиниши биргина пахта толаси, жун, қоракўл тери, тамаки, ипак хом ашёси ҳисобидан Ўзбекистон ССР бюджетига ҳар йили қўшимча равишда 3 миллиард сўмдан кўп маблағ олиш ва жумҳуриятимиз қандайдир дотацияда эканлиги ҳақидаги кўпгина масалаларга хотима беришга имкон яратади.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ва йириклаштиришни кучайтириш керак. Кейинги йилларда деҳқончилик саноати тармоқларини қайта қуриш жараёнида бу соҳада кўп хатоларга йўл қўйилди.

Жойларда хўжаликларнинг иқтисодий зарар билан ишлашини тугатиш шиори остида бутунлай асоссиз равишда иқтисодий бақувват совхозларни ихтисослаштирилган қолоқ хўжаликлар билан бирлаштира бошладилар. Натижада пахтачилик совхозлари таркибига кирган ва илгари мустақил бўлган боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин камайтириб юбордилар. Масалан, «Пскент» совхози таркибига кирган Вахрушев номли совхозда узум ишлаб чиқариш қарийб 1,4 баравар камайди. Бу кейинги вақтларда айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё областларида юз берган ер бўйича низоларнинг сабабларидан биридир.

Мен шу боисдан ҳукуматни жуда ҳаяжонга солаётган бир муаммо устида тўхталиб ўтмоқчиман. Охирги вақтда колхозлар, совхозлар, бригадалар, қишлоқлар ўртасида ер тақсимотини қайтадан кўриб чиқиш бўйича жанжаллар кўпайиб қолди. Бир қулоч ер деб бутун умр тўй ва маъракада бирга ўтган қишлоқларнинг аҳолиси юз кўрмас даражасига бориб етмоқда.

Охирги пайтда юзлаб кишилар шу масалалар билан Тошкентга тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Нима, жойларда шу масалаларни ҳал қиладиган ҳукумат ёки Советлар қолмадими? Ахир ер талашиш ўрнига ҳаммамизни боқаётган момо ерга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз унинг ҳосилдорлигини ошириш ва унумли фойдаланиш эмасми? Бу муаммоларни ечиш учун ҳукумат махсус қарор қабул қилди. Қарорда ана шундай ҳолларнинг олдини олиш чоралари белгиланди. Янги колхозларни тузиш ва майдалаштириш фақат колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилиб, район ижроия комитетлари томонидан, совхозлар эса — область ижроия комитетларининг қарори билан тасдиқланади, деб белгилаб қўйилди. Район ичида ердан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳамма ер масалалари район ижроия комитети, районлар ўртасида эса область ижроия комитетлари, областлар ўртасида эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ўртасида келиб чиқадиган ер хусусидаги ва бошқа жанжалли масалаларни зудлик билан ҳал этиш учун баобрў ва элга хизмати билан танилган кишилардан ўз-ўзини бошқарув кенгашлари тузилади ҳамда уларга меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади. Қурултой қатнашчилари ҳам бу ишлардан четда турмайдилар, деган умиддамиз.

Ўртоқлар!

Янги хилдаги агросаноат ташкилотларини тузиш бўйича ишларни жиддий яхшилаш талаб қилинади. Бу ерда ҳали пала-партишлик, шошма-шошарлик, охиригача ўйламасдан иш қилиш ҳоллари кўп учрайди. Лекин бу соҳада муҳим натижалар бераётган янги ишлаб чиқариш шакллари ҳам мавжуд.

Масалан, Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз (директори ўртоқ Сериков) барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини кооператив асосга ўтказди ва 17 та кооператив тузди. Уларнинг ҳар бирига 5 йиллик муддатга деҳқончилик қилиш учун 250-300 гектар ер ва барча асосий воситалар берилди. Ширкат ичида кўпроқ оилавий ижара бўлинмалари тузилди.

Бу совхознинг маъмурий бошқарув аппаратини уч марта қисқартиришга, ўтган йили қайта экишларга қарамасдан, ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта хом ашёси олишга имкон берди. Меҳнат унумдорлиги 8,6 минг сўмни ташкил қилди. Ойлик иш ҳақи 400 сўмдан ошиб кетди. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз (ўртоқ Мадиёров) ва республикадаги бошқа бир қатор хўжаликлар ҳам шу соҳада юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Бироқ бундай хўжаликлар сони ҳали кам. Ҳозир республика колхоз ва совхозлари ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бешдан бир қисмидан камроғи ижара асосларида ишлаяпти. Бу аҳволни тўғрилаш, зарар кўриб ишлайдиган барча корхоналар ва хўжаликларни ижарага ўтказиш ишларини авж олдириш керак. Ҳукумат қарорига мувофиқ уларнинг муддати ўтиб кетган қарзлари ҳисобдан чиқариб ташланади.

Ҳозирги вақтда республика хўжаликларининг бўйнида 2,6 миллиард сўм шундай қарз бор. Аммо, кўпгина областларда, айниқса Самарқанд, Наманган, Бухоро, Сурхондарёда бу иш ҳали жонланиб кетгани йўқ. Бунинг натижасида республика бўйича фақат шу қарзларга юз миллионлаб жарима тўланмоқда. Бу масала устида бирон бир киши бош қотираяптими ўзи? Молия министрлиги ва унинг жойлардаги органларига ҳам шу саволни берсак бўлади.

Агросаноат комплексининг кейинги тараққиёти республиканинг иқтисодий мустақиллигини ошириш, унинг ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозир биз ишлаб чиқараётган пахта толасининг ҳар учинчи тоннаси чет элга сотилади; валютадан омилкорона фойдаланилса, бу маблағлар қишлоқда соғлиқни сақлашнинг моддий базасини анча мустаҳкамлаган, аҳолининг социал эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, пахта, пилла, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги корхоналарни тузиш ва қуришни жадаллаштирган бўлур эди.

Бироқ мазкур маблағларнинг эгалари, айниқса, «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узагроинторг», «Новоэкспорт» идоралари бу иш билан амалда шуғулланмаяптилар. Натижада пахта, пилла, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинаётган валюта ҳанузгача уни ишлаб топганларга, биринчи навбатда колхозлар ва совхозларга етиб бормаяпти. Бу масалаларни адолатли ҳал қилиш учун республикада Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети тузилади, у республика, аввало, қишлоқнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экспорт ва импорт қилишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Ўзаро фойдали тенг алмашув асосида регионлараро алоқаларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам зарур. Ёқутистон АССРдаги «Якуталмаз» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузган Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг тажрибаси кенг тадбиқ қилишга арзийди.

Шартномага мувофиқ сибирликлар умумий саҳни 12 гектар бўлган теплица комбинати, 2 миллион шартли банка маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган консерва цехи, 500 тонна сиғимли холодильник қуриш, шунингдек 10 гектар ерга қулупнай ва 2 гектар ерга лимон экиш учун совхоз ҳисобига маблағ ажратдилар. Ҳар йили полиэтилен плёнка, пўлат тунука, прокат, қурилиш материаллари етказиб берилади. «Партия XXIV съезди» совхози ҳар йили етиштириладиган сабзавотлар ва ишлаб чиқарилган консерваларнинг ярмини уларга жўнатиш мажбуриятини олди. Хўжалик ажратилган маблағларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳисобига 2000 йилгача қайтаради.

Ленинград шаҳри ва Ленинград области билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилиши ҳам бу борада ижобий натижа беради.

Кадрларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишининг турли участкаларини бошқаришга лаёқатли раҳбар ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш, янгича иқтисодий фикрловчи мутахассисларни тарбиялаш асосий вазифамиздир. Республикада, республика агросаноат комплексини бошқариш олий мактаби ва бошқа ўқув юртлари бўлишига қарамасдан, бу иш яхши йўлга қўйилмаган. Бу аҳволни тузатиш керак. Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли (раиси ўртоқ Мадиёров), Охунбобоев номли (ўртоқ Рўзматов), Сирдарё районидаги «Ленинград» (ўртоқ Синдоров) колхозлари каби илғор хўжаликлар базасида кадрларни тайёрлашни ва қайта тайёрлашни ташкил қилса арзийди. Қишлоқ хўжалигида ишловчи раҳбар ходимларни тез-тез алмаштиришга йўл қўймаслик, уларнинг мавқеини кўтариш даркор.

Агросаноат комплексини, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий муассасаларнинг, айниқса ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг тавсияларига таяниш даркор. Аммо уларнинг фаолияти ҳозирча етарли самара берганича йўқ. Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати кўплаб масалалар бўйича илмий асосланган тавсияларга эга эмас. Айниқса бу чорвачиликни, қайта ишлашни, ижарани, агросаноат интеграциясининг янги шаклларини, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашни ривожлантиришга тегишлидир. Республика «Дефолиант» илмий марказининг иши натижалари ҳам сезилмаяпти. Бутифосни қўллаш тақиқлангандан кейин хўжаликлар ҳозиргача ғўза баргини тўкишда унинг ўрнига кам заҳарли ва самарали препарат олишгани йўқ. Республика Фанлар академияси, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ўз институтлари фаолиятини тубдан яхшилашлари, уларнинг далаларга, боғларга ва фермаларга таъсирини самарали қилмоқлари зарур.

Янги аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири, республика ҳукуматининг катта ғамхўрлиги — қишлоқнинг ҳар томонлама ижтимоий аҳволини яхшилашдир. Шунинг учун қишлоқнинг социал ривожланишини жадаллаштириш, уни қайта қуришнинг қабул қилинган комплекс программасига биз алоҳида эътибор берамиз. Бу борада кўп иш қилинмоқда. Ўн иккинчи беш йилликка социал соҳани ривожлантириш учун агросаноат комплексига капитал маблағ илгаригига қараганда бир ярим баравар кўп йўлланди, уларнинг салмоғи 1986 йилдаги 28 фоиздан 1989 йилда 42 фоизга ўсди. Қишлоқда уй-жой, мактабгача болалар муассасалари, маданият объектлари, инженерлик тармоқларини ишга тушириш сезиларли даражада кўпайди. Туямўйин—Нукус, Туямўйин—Урганч сув етказиб бериш тармоқлари қурилишлари тугалланмоқда.

Қишлоқда ишга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги ошди, қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлик даражаси кўтарилмоқда. Беш йиллик мобайнида совхоз ишчиларининг ўртача иш ҳақи 156 сўмдан 192 сўмга ёки 1,2 баравар, колхозчиларники 130 сўмдан 150 сўмга ёки 15 фоиз ошди.

Бироқ қишлоқнинг социал ривожланиши ҳамон пастлигича қолмоқда, унинг шаҳардан тафовути амалда қамаймаяпти. Ҳозир қишлоқ турар жой фондининг атиги 25 фоизи марказий иситишга, 34 фоизи канализацияга, 8 фоизи иссиқ сув таъминотига эга.

Қишлоқда капитал қурилиш суръатларини жадаллаштириш керак. Шу муносабат билан бу йил 1989 йилга нисбатан уй-жойларни ишга туширишни 10 фоиз, мактабгача болалар муассасаларини 1,7 баравар, мактабларни 1,2 баравар, клублар ва маданият уйларини 1,1 баравар, газ тармоқларини 1,4 баравар, водопровод тармоқларини 2,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Шахсий уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишларга фақат ссуданинг ўзидан 650 миллион сўмдан кўп маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Қурилиш индустриясини ривожлантириш бўйича мақсадли программа қабул қилинди. Унда якка тартибда уй-жой қурувчиларга алоҳида эътибор берилиб, 6 миллион квадрат метр уй-жой қуриш учун қурилиш материаллари етказиб бериш долзарб вазифа қилиб қўйилди. Шу муносабат билан колхоз ва совхозларда ғишт ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи ёрдамчи корхоналар қурилишини ҳар томонлама тезлаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва уларнинг уй-жойларини газлаштириш, телефонлаштириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Мана шу мақсадларда Бекобод металлургия заводида қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу иш амалга ошса қишлоқларимизни XIII беш йилликда асосан газлаштириш ва водопровод системасига ўтказишга имкон яратилади.

Азиз ўртоқлар! Қишлоқнинг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири бўлган иш билан бандликка алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Ишлаб чиқилаётган «Иш билан бандлик» программасини амалга оширишни тезлаштириш зарур. Унга мувофиқ ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда саноат филиаллари ва цехлар қурилиши, кўп тармоқли район саноат комбинатлари ташкил этиш, ёрдамчи корхоналар тузиш ҳисобига 1990 йилда камида 290 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилади. Бу ишларни амалга ошириш маҳаллий Советларнинг активлигига ҳам боғлиқ бўлиб қолди.

Хотин-қизлар ва болалар шароитига алоҳида эътибор бермоқ керак. Бунинг учун хотин-қизларнинг аҳволини тубдан яхшилаш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган давлат программаси доирасида қишлоқда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини ошириш, уларнинг меҳнат шароитларини ташкил этишни ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, қўл меҳнати қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш, қаҳрамон оналарга бериладиган пенсия миқдорини ошириш имкониятларини қидириб топиш ва бундай пенсияларни иш стажи бўлмаса ҳам тайинлаш бўйича тадбирлар қубул қилиниши лозим.

Ўртоқлар! Бир ҳафтадан кейин ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси очилади. Сессия республика сиёсий ҳаётининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқади, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлайди, Ўзбекистон ССР ҳукуматини ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларини тузади.

Республика ҳукуматининг яқин беш йилга мўлжалланган фаолияти программаси, республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш бўйича ишларнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш сессияда кўриладиган асосий масалалардандир. Уларнинг амалга оширилиши республикамизда қайта қуриш ва тубдан янгиланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоғи, ҳаётимизни яхшиламоғи керак.

Лекин тўғрисини айтганда, бу ҳаммани ҳам қониқтиравермайди.

Республикада ҳали қайта қуриш муҳолифлари анчагина бор. Улар меҳнаткаш инсон, биринчи галда қишлоқ меҳнатчилари ҳисобига яшашга кўникиб қолишган. Улар бизнинг қийинчиликларимизни рўкач қилиб халқни, айниқса ёшларни қўзғатишга, адоват уруғини сочишга, сунъий равишда одамларнинг норозилигини келтириб чиқаришга, уларни миллатлараро нифоқ ва ҳуқуққа қарши ҳаракатлар сари етаклашга ва мана шу сохтакорликни пана қилиб, ўзларининг аввалги имтиёзларини сақлаб қолишга интилишмоқда.

Ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда Тошкент областида вазият яна кескинлашди. Областнинг бир қатор районларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг республика аҳолисига Мурожаатини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ижозат берилмаган ҳар хил митинг ва намойишларни ташкил этишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Фармонини инкор қилиб, оммавий тартибсизлик келтириб чиқарилди.

Биз республикамизда ўзларининг ғаразли манфаатлари ва иззат-талаб нафсониятларини кўзлаётган, халқни эса одамларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиши сари етаклаётган кучлар ҳаддидан ошишлари ва устун келишларига йўл қўя олмаймиз. Кимки, зўравонликка ундаса, миллий низо оловини ёқса, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ва уларнинг ходимларини қўрқитишга ҳамда тушкунликка солиб қўйишга интилса, жамиятда душманлик ва кескинликни, хавф-хатар ва ишончсизликни кучайтирмоқчи бўлса, уларнинг ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракатларини қатъийлик билан тўхтатиб қўямиз. Шу сабабли қишлоқ меҳнатчилари, республикамизнинг барча меҳнаткашлари ҳамма жойда Қонунни, демократия принципларини эҳтиёт қилишлари, кимки алғов-далғовга ундаса, можаролар, нифоқ ва душманликни келтириб чиқармоқчи бўлса, жамиятда беқарорлик туғдирмоқчи бўлганларга муносиб жавоб бермоқлари лозим.

Мўлжалланган тадбирларни амалда рўёбга чиқариш республиканинг барча кучларини жипслаштиришни, масъулиятни оширишни, хўжалик ишларининг барча даражаларида меҳнат ва ижара интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлашни талаб қилади. Бунга ҳаракатларнинг бирлиги ва мувофиқлиги, ҳар биримизнинг қайта қуришни ҳимоя қилишдаги қатъиятимиз, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги ва барқарорлиги асосидагина эришиш мумкин.

Фақат шундагина биз қишлоқ хўжалигида, ишларимизнинг ҳар бир жабҳасида ўзгариш яратамиз, халқимизнинг турмуш даражасини кўтара оламиз.

Мен ўзимнинг сўзимда қишлоқ хўжалигидаги ҳамма камчиликлар ва бор имкониятлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тўхталиб ўтирмадим. Ўйлаймизки, бу муаммолар, қурултой қатнашчилари томонидан кўтарилган масалалар бўлажак партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, партия комитетлари конференцияларида яна чуқурроқ кўриб чиқилади ва ўз ечимини топади. Агросаноат тармоғини юксалтириш, қишлоқдаги социал аҳволни яхшилаш коммунистларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Азиз ўртоқлар!

Сизларга ва ҳаммаларингизнинг оила аъзоларингизга, ёр-биродарларингизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, севимли Ватанимиз равнақи йўлида меҳнатда янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Бу йилги хирмонингизга барака!

